

# Ўзбекистон adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 15-avgust • № 33 (3965)

## МУМТОЗ СОҲИР САЊЪАТКОР



Бугун Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллигига бағишланган «Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тугган ўрни» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўз ишhini бошлади. Мумтоз шоиримиз ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалар билан газетамизнинг тўртинчи саҳифасида танишасиз.

Бадий санъаткорлик шоир қудратининг мезони бўлгани боис, қадимда муаммочилик (муаммо ёзиш) ётаки ўринга чиққан эди. Даҳо шоиримиз Алишер Навоий ва устоз Абдураҳмон Жомий ҳам бу жанрга эътибор берганлар, бу ҳақда рисола битганлар. Шунингдек, ҳарфий санъатларга эътибор бадий ижоднинг юксак даражаси ҳисоблангани тўғрисида китобат, истихроҷ, қалб сингари шеър санъатларини қўллашда мўъжизакорлик қилишга интилишлар жуда кучли бўлган. Ана шу санъатлардан яна бири маснўъ шеър эди. Маснўънинг ўнлаб хиллари бўлиб, биз қуйида Бобур ижоди мисолида маснўънинг бир неча хили билан танишамиз.

«Маснўъ» истилоҳининг луғавий маъноси санъатпардозлик билан ёзилган асар, деган маънони беради.

Бобур ўзбек тилида биринчи бўлиб маснўъ шеърлар ёзган шоирдир. Маснўънинг бир хилида шоир бир байт шеър ёзиб, ундаги ружлар, сўзлар ёки мисра ўрнини ўзгартириш эвазига, ўша сўзлар

дангина фойдаланиб янги байт ёки байтлар келтириб чиқаради. Буни истихроҷ қилиш, деб айтади.

**Тафохур кўзум, кўнгул қилурлар, магар бордур, Кўзунгга кўнгул вола, юзунгга кўзим ҳайрон** — байтини яратган Бобур ундан қуйидагича байтни истихроҷ этган:

**Ҳайрон кўзум юзунгга, вола кўнгул кўзунгга, Бордур, магар, қилурлар кўнгул, кўзум тафохур.**

Кўринаяптики, байтдаги сўз, бирикма ва мисраларнинг ўрин алмашувида, аввало, оҳанг — муסיқийлик, сўнгра ваэно баҳри ўзгаради. Қолаверса, таъсирчанлик ҳам ўзгача бўлади. Шу йўсинда бутун бир шеър — маснўъ юзга келади.

Давоми тўртинчи бетда.



2008/08/12

## Фолклор — қайнар булоқ

Халқ оғзаки ижодиёти, фолклор асарлари миллатимизнинг жон томири, азалий дурдоналаримиздир. «Фолклор асарларини шаффоқ булоққа ўхшатаман, — дейди йирик муסיқашунос олим, профессор Тўхтасин Фафурбеков. — Бу қайнар булоқ соф ҳолда, қандай бўлса, шундайча сақланиб қолиши керак».

Дарҳақиқат, ҳамма замонларда асл нарсанинг баҳоси бўлмаган. Ўзбек фолклори ҳам аслларнинг асли бўлиб, халқимизнинг миллий маданияти, қадриятлари, урф-одатлари, ўзлигини сақлаб келатган бебаҳо ва бетакрор меросимиздир. Ана шу меросни ўрганиш, асраб-авайлаш, авлодларга етказиш борасида фолклор жамоаларининг роли бекиёс. Булар барча вилоятларимизда қўллаб фолклор жамоала-

ри фаолият кўрсатяпти. Бу жамоаларнинг аксарияти республика ва халқаро миқёсдаги кўрик-танловлар, фестивалларда қатнашиб, юксак мукофотларга сазовор бўлмоқдалар.

Бунда, шубҳасиз, фолклор-этнографик жамоаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатётган Маданият ва спорт ишлари вазирлиги республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик мар-

кази ҳамда марказ қошидаги «Фолклор кенгаши»нинг алоҳида хизматлари бор. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик танта-налари муносабати билан ўтказилган тадбирларда, бахши шоирлар кўрик-танлови, лапар ва ўлан ижрочиларининг кўрик-фестивалини ўтказишда, вилоятлар бўйлаб «Халқ ижодиёти поезди»ни ташкил этишда фолклоршунос олимлар ва мутахассислардан иборат «Фолклор кенгаши» аъзолари ажиндан амалий-услубий ёрдам кўрсатдилар. Шунингдек Халқ ижодиёти маркази томонидан ўтказилган бошқа тадбирларда ҳам кенгаш аъзоларининг амалий кўрсатмалари ниҳоятда қўл келди.

Давоми бешинчи бетда.

Шеърини наҳза

## ОЛТИН ДУО

«Барака топ» деганинг Тилларига бол бўлсин, Барака топгадларнинг Хонадони бой бўлсин, Қозони мойга тўлсин. «Барака топ» сеҳридан Кўкка етди хирунлар, Юртбошимиз меҳридан Қувват олди деҳқонлар. Барака топди элим, Неъмат тўла дастурхон. Хазинамиз лиммо-лим, Пахта, инак, олтин, дон... Халқимизнинг кўнгли чоғ, Юзга киргай улдулар. Ҳар гўшада чақалоқ Бахти билан тугилар. Бир томонда аждодлар Рухи бизни қўллажак, Бир томонда авлодлар, Борар йўли — келажак. Жўшқин ҳаёт ортидан Юксалди Ўзбекистон, Буюк мақсад отида Бормоқда қутлўв қарвон. Тинч, осуда дийёрдан Барака ҳеч кетмагай, «Қўл ишдаю дил ёрда»... Ҳеч кимдан кам этмагай. Ўн еттига етдик биз, Олтин дуо — қалб амри. Курашларда ютдик биз, Мустақил яшаш даври. Ўн етти ёш — ўсимир ёш, Айни гайрат авжида. Барака бўлса йўлдош, Олдин мўл мўжиза. Ширин сўзга жон фидо, Умрингизга барака! Отадан олтин дуо, Элдан толмас ҳаракат!

Гулчехра ЖўРАЕВА

Ватанимиз Мустақиллигининг 17 йиллик байрами арафасида 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» нашрдан чиқди. Янги изоҳли луғат ўзбек адабий тилида истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олади.

## «ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ»

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоеён бўлади. Жамки эзу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жўзбаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир.

Истиқлол арафасида ва мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори тил борасида, хусусан, ўзбек тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кўчатириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Юртбошимиз раҳнамоллигиде ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, Давлат тили ҳақида қонун қабул қилиниши ва мазкур қонун моддаларида қайд этилган йўл-йўриқ ва вазифалар ўзбек тили тарққотида янги даврни бошлаб берди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳужуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилди. Шу тарихи ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Герби, Мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тисмолларидан бирига айланди.

Кейинги даврда, бир томондан, ўзбек тили тарққоти жараёнида унинг ўз ички имкониятлари асосида ривожланиши қонуни эркин ва тўла амал қила бошлаган бўлса, иккинчи томондан, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган залворли ўзгариш-

лар тилимизга, унинг лексикасига сезиларли таъсир кўрсатди. Шунингдек, ўзбек тилининг халқаро миқёсда фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани ҳам алоҳида эътиборга молиқдир.

Ана шундай омилилар ва ўзбек тили луғат тарихида юз берган жиддий ўзгаришлар тилимизнинг изоҳли луғатини тузиш ва чоп этишни талаб этди. Вазирлар Мақамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги қарорига мувофиқ ушбу луғатни яратиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти зиммасига юкланди.

Янги луғатда берилган сўзларнинг амалда қўлланиши ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар билан далилланган. Луғат «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётида нашрга тайёрланган.

Ўзбек тилшунослиги бўйича мутахассислар, адиллар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган ва Мустақиллик айёми арафасида нашр этиш ишлари якунланган ушбу беш жилдли луғат луғатшунос ва ноширларимизнинг халқимизга муносиб байрам тўғриси бўлди. Янги нашр кенг ўқувчилар учун муҳим қўланма бўлиши баробарида, ўзбек адабий тили мейёрларининг мустаҳкамлашига ва нутқ маданиятининг янада юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

(УЗА)

Кеча пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Санъат саройида Ўзбекистонда Туркманистон киноси кунлари тантанали суратда очилди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбекистон» Миллий агентлиги ҳамда Туркманистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ўтказилаётган кино анжуман 20 августга давом этади.

Туркман кино усталарининг қўллаб филмлари, таниқли актёрлари фаолияти юртимиз кино муҳлисларига яхши таниш. Қардош санъаткорлар билан янги учрашув, дўстона мулоқотлар ҳам қувончли бўлиши, шубҳасиз. Филмлар намойиши дастлаб Алишер Навоий номидаги Санъат саройида бўлади.

Туркман киночилари бешта бадий («Мусобақа», «Кекса Аширининг айёрлиги», «Буни ҳаёт дейдилар», «Эркакча тарбия», «Савқ»), иккита қисқа метражли («Тилам ҳақида афсона», «Уғил бурчи») филмлар ҳамда тўртта («Ҳазар, экология ва мен», «Лочин — овчи қуш», «Нагиш», «Туркманлар қаноти») ҳужжатли картинани ўзбек томошабинлари эътиборига ҳавола этадилар. Туркманистондан ташриф буорган кино санъати усталари томошабинлар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан ижодий учрашувлар, дўстона мулоқотлар ўтказиш баробарида «Ўзбекфилм», «Ўзкинохроника» студияларида, Кино музейида бўладилар, Тошкент ва Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар.

Анжуманинг сўнги кунини ўзбек киноси арбоблари туркманистонлик ҳамкасблари билан давра суҳбати ўтказдилар. Унда қўрилган филмлар бўйича фикр алмашилди, ҳар икки давлатдаги филмлар прокати, ўзаро ҳамкорликда бадий, ҳужжатли ва илмий-оммабо филмлар яратиш борасида фикрлашиб олинади.

Тилгадим, тўлақиллар қуйлаган қўшиқ — Туртқўлда сайраган булбул навоси: Янгар Эликқалъа, Бўстонга ошқ Отажон ҳофизининг соҳар овози...

Севгим дегини каби асло дам бермас, Қалб қирғоқлари бормоқда нураб. Аям тошқиндек жўшар «Дамбермас», Оҳам юксалади осмонга қараб.

Тўқайга қирғовула, сузга шағала, Қорақаллоққа сен ёрсан, Ақчақўла. Шейри қанот қоқар сени ёқалаб, Қўлда сеҳри торсан, Ақчақўла.

Рустам МУСУРМОН

1 Хонгул — Зарафшон, Қорақаллоқ қўриқхоналарида яшайдиган гузал бўғининг номи.  
2 Дегини — сув тошқини.

## АТРОФИМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Улар ёшларимиз учун абрат мактаби

Севимли газетамиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»ни мунтазам мутлола қилиб бораман. Ундаги самимиятга йўрилган, қуюнчақлик билан айтилган фикрлар ҳеч бир ўқувчини бефарқ қолдирмайди. «УЗА»нинг 23-сониде эълон қилинган «Оққўрғон овози» газетасининг муҳаррири Абдулла Мадиевнинг «Атрофимиздаги одамлар, биз уларни таниймизми?» сарлавҳали мўъжаз мақоласини ўқиб, баҳоли қудрат муносабат билдиришга жазм этдим.

Чиндан ҳам муаллиф айтганидек, ҳамжиҳат, ҳаммаслак бўлган оддий маҳаллада, оддий кишлоқларда ўз умрини ҳалол, пок яшаб ўтказоётган, эл-улул хурматиға сазовор бўлган кишилар жуда кўп. Уларнинг мазмуни ҳаёт йўллари, фидокорона фаолиятларини ёшларга ибрат қилиб кўрсатсақ, ҳеч қачон ютқазмаймиз. «Оз изини той босар» деганларидек, оталаримизнинг, молларимизнинг аризулик ҳаёт йўллари биз учун, фарзандларимиз учун ҳаммиса азиз ва ардоқли бўлиб қолиши зарур.

Шундагина бугунги ёшларимиз шурида ота-онага, фидойи, халқпарвар касб эгаларига, шу кутлўв Ватанга муносиб бўлишдек муқаддас туйғулар жо бўлади. Келинг, бир-икки мисол айтмай. Оддий муаллимликдан чиққан Маждид Самадов (Оллох охиратларини обод қилган бўлсин) 24 йил Пскент туманида «Меҳнат байроғи» (ҳозирги «Пскент ҳаёти») газетаси жамоасига раҳбарлик қилди. Бу орада қанча хонадонга маънавият, маърифат ва зиё уллади. Устоз шу билангина ки-фояланиб қолмади. Нафақага чиқ-

қач, узоқ йиллар иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, юртига қайтмаган, кейинги ҳаёти номалум бўлиб қолган ўзбекистонлик фронтдошлари тақдирини ўрганишда давом этди. Белоруссиянинг Подолск шаҳридаги марказий архивда йиллар давомида изланишлар олиб борди. 34 минг ўзбекистонлик жангчиларнинг номалум тақдирига оидлиқ киритди. 34 минг хонадон ақлининг азиз кишисига айланди. Шу савоб ишлар асосида Маждид Самадов инсон бошига не қулфатлар солган совуқ урушнинг тафсилотлари билан, урушда жасорат намуналарини кўрсатган юртдошлари ҳаётлари акс этган қатор-қатор китоблар «Визит чоп эттирди. «Карим партизан», «Элик баҳодир», «Жангоҳнома» шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби Маждид Самадов ҳозир орамида йўқ эса-да, унинг элим деб, юртим деб қилган ибратли, савоб ишлари уни танган, билган кишилар хотирасида. Лекин бугун илк бор мактаб остонасига қадам қўйиб, сабоқ ва тарбия олаётган

Акс садо

ёшлар шу заминда, шу мўъжаз гўшада бутун ҳаётини маънавиятга, маърифатга, савоб ишларга бағишлаган инсон яшаб ўтганини бир-да билиб, бирда билмай қолаётгани ҳам бор гап. Сабаби ана шундай, ҳар соҳада пешқадам бўлган ва булаётган одамларнинг ибратли ҳаёт йўллари намуна сифатида тарғибот ва ташвиқот қилишга эътибор биров суйайгандек.

Этироф этиш керак, бундай кишиларнинг фидойи саъй-ҳаракатлари, қўлининг қайғуси учун яшашга бўлган бекиёс иштиқлари давраларда баъзи-баъзида эслаб қўйилади. Шунинг ўзи кириб-ямакин. Шундай одамларни ҳаётлик чоғларида нега айнан ёшлар билан гавжум бўлган қатта давраларга чорламадик. Ёшларга, бундай одамлар ҳаётини ўрганинг, ибрат олинг, демадик. Ҳозирда бир кичик-кичик тадбирларга ҳам иштирокчи, сураткашлар тақдир этиш урфа айланган. Бутун мазмуни ҳаётларини элнинг қори учун бахшида этган одамлар билан учрашувларини кўпроқ ташкил этсақ, уни тасмаларга муҳрлаб минг-минглаб ёшларга кўрсатсақ, уларда миллатимизга, миллий туйғуларимизга нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотган бўлмаймизми?

Мустақар қилиб айтганда, атрофимиздаги камтарона ҳаёт кечирётган, ўз хизматларини бирор йўсинда миннат қилишга одатланмаган одамларга ўзимизни яқинроқ тўтайлик. Ёшларимиз улардан маънавий қувват олиб туришларини асло унутмайлик.

Собиржон ИНОМОВ, Пскент тумани «Пскент ҳаёти» газетаси муҳаррири ўринбосари

## «НИХОЛ» — 2008

Юртбошимиз ташаббуси билан ёш истеъодлар учун таъсис этилган «Нихол» мукофоти совриндорлари сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бу мукофот маҳоратли ёш ижрочиларни кашф этиш, улар истеъодини камолга етказишга хизмат қилмоқда.

«Ёшлар йили»да қўллаб ижрочи ёшлар ушбу мукофотнинг саралаш босқичларида катта муваффақият билан иштирок этдилар. Мамлакатнинг барча вилоятлари истеъодли йигит-қизлари орасидан «Нихол»нинг ҳал қилувчи босқичига 150 дан ортиқ номзодлар саралаб олинди.

Бугун пойтахтимиздаги «Истиқлол» санъат саройида Республика босқичида муваффақият қозонган истеъодли ёшлар — «Нихол» совриндорларини тақдирлаш маросими бўлади. Мукофоти соҳибларини чин дилдан қўтаймиз.

Кеча Қорақаллоғистон Республикаси Эллиқалъа туманида ижодкор ёшларнинг аънавий «Ақчақўл» илҳомлари семинар-танлови ўз ишhini бошлади. Ёзувчилар Амударё, Беруний, Тўртқўл туманларида ҳам адабий учрашувлар ўтказмоқдалар.

Отажон Укуздарё, Ёшулин Орол, Улуқсан, Қутлуқсан, Мўласан, Ақчақўла. Соҳилин оромбах, суваринг шўла, Бўстонга яраган гулсан, Ақчақўла.

Тўқайлар торини чертади шамола, Қиздек солланади сулуе Туронга. Кечалар бўйинига осилар ҳилола, Лабинга дудогин тутайди Хонгула.

1 Хонгул — Зарафшон, Қорақаллоқ қўриқхоналарида яшайдиган гузал бўғининг номи.  
2 Дегини — сув тошқини.

«ФАЛЛАБАНК»: сиздан ҳаракат, биздан баракат!

«АСАКАБАНК»: ишонч, унум, даромад!



“Бобур бунёд этган давлат, гарчи боболариники сингари бепобён минтақаларга ёйилмаган бўлса-да, у ўз салтанатининг султони — буюк император даражасига кўтарилди. Ўз мулкида бошқарув тизimini маҳкам тутиб, уни мохирлик билан идора қилди. Бу ўлкани маҳорат билан бошқарган буюк сулолага асос солди”, деб ёзади Маргарет Румер Годен ўзининг “Гулбадан” номли китобида.

Гулбаданбегим Бобуршоҳ ва Дилдорбегимнинг учинчи қизидир. У 1523 йили Кобулда туғилган. Бобур раъйига кўра, уни Мохимбегим тарбиялаган. Бу гоъта гузал, ақли идрокко юксак, ниҳоятда уш-фел ва мулозаматли аёл Хумоюн мирзодан бошқа яна 2 ўғил ва 2 қиз кўрган, лекин улар ёшлигида вафот этганлар. Шу боис, Бобур Гулбаданни унга топширганда фарзандлар доғидан бирмунча чағилишни ҳам назарда тутган кўри-нади.

# “ҲАР КИМКИ, МЕНИ СЎРСА, САЛОМИМНИ ДЕГИДИ!”



шига қарамай, хотирасини ҳаяжонли кузатувлар билан тўлдириб боргани асарда таъсири фидоланган. Бобурнинг Мохимбегим истикболига чиққани, отининг жиловидан тутиб, уйига етгунча пийда келгани ҳақидаги лавҳа Хиндистонда эълон қилинган инглиз тилидаги бир мақолада: “Бу ҳолат унинг жентелменлигини кўрсатади”, дея талкин этилган эди. Бу талкин, бир томондан, Бобурнинг Мохимбегимга меҳр-муҳаббатини фидодаласа, иккинчи томондан, Бобур шахсиятидаги олийжанобликини, садоқатли аёлга муруватли бўлишдек фазилятларини намоян қилади.

1529 йилга қадар Кобулда яшаган Гулбаданбегим кейин Оғрага келган эди. Гулбаданбегим Хумоюншоҳ саройидаги нуфузли мансабдорлардан бўлган Хиёрхожага узилган ва ундан икки ўғил, бир қиз кўрган.

Асарда Бобурнинг охириги дамлари Гулбадан номидан ёниқ изтироб билан, “Бобурнома”даги таъкидларга асосланилиб, ёзилади. Лекин “Хумоюншоҳ”да бу тафсилот анчайин бошқа баён этилади. Хумоюннинг оғир аҳолини кўрган Бобур ўзининг ёзиши кўра, “...табиблар ҳар неча дору дармон бердилар яхши бўлмади. Мир Абдулқосимким, улуг киши эрди, арза етқурдиким, ушмундоқ дардларга дармон будурким, яхши мисралардин тасаддуқ қилмоқ керак. Тоинки тенгри таоло сиҳат бергай, Менинг кўнглумга келдиким, Мухаммад Хумоюн(нинг) менин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлайин, Худо қабул қилсун. Хожа Халифа, ўзга муқарраблардин арза теғурдиларким, Мухаммад Хумоюн сиҳат топар, сиз бу сўзини нечун тилингизга келтурасиз. Ҳариз будурким, дунё молдин яхши-сини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас, ўшал олмоским, Иброхим урушида тушуб эрди, Мухаммад Хумоюнга иноят қилиб эрдингиз, тасаддуқ қилмоқ керак. Тилга келдиким, дунё моли анинг авазига нечук бўлгай, мен анинг фидоси қилурменким, хол анча мушкул бўлбуртур. Ва андин ўтбуртурким, мен анинг

## Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллудинини 525 йиллиги

бетокатлигига тоқат келтургаймен. Ўшал ҳолатга кириб, уч қатла бошидин ўргулуб, дедимким: Мен кўтардим ҳар не дардин бор. Ўшал замон мен оғир бўлдим, ул енгил бўлди. Ул сиҳат бўлуб кўпти, мен ноҳуш бўлуб йиқилдим. Аёни давлат ва аркони мамлакатни чорлаб, байъат қўлларини Хумоюннинг қўлига топшурдум.”

Гулбаданбегим “Хумоюншоҳ”да бу фожвали лавҳанинг давомини қўйда-губа ёзади: “Яқин икки-уч ой (касал бўлуб) ётиб қолдилар. ... ҳар соат Ҳиндол қаерда... қандай бўлиб кетган, кимга ўшайди, деб сўрадилар... Табиблар ҳазратнинг томиларини кўриб, Султон Иброҳимнинг онаси берган захарнинг аломати бор, дейишди... 937 йили жу-мад ил-аввал 5-кун — душанба кунини вафот тарихларидур.”



Асарда Мохимбегимнинг табиатига оид тафсилотлар ҳам анчагина. У 940 йил шаввол ойининг 18-чи кунини (1534 йил 23 апрел) оламдан ўтади.

# МУМТОЗ СОҲИР САНЪАТКОР



Бошланиши биринчи бетда. Маснў ёзишдаги мураккаб усул байт-ти тарсеъ маал тажнис, яъни тажнисли тарсеъ санъати асосида яратишдир. Бобурга бу тажриба унчалик ривожланмаган эди. Гап шундаки, бу усулда байт иход қилуви шоир, биринчидан, байтдаги барча остин ва устун ҳолатда турган сўзларни ўзаро оҳангдош қилиб ёзиши, иккинчидан, ўша остин ва устун турган сўзларнинг ҳаммасини ўзаро жинсдошлик асосида — тажниснинг хилма-хил навлари билан яратиши лозим бўлади.

Ёсотиб тигингни ўқу ё тила, Ё сотиб тигингни ўқу ёт ила.

Зулисоний санъаткор бу усулда форсий тилда ҳам тажнисли байт ёзган:

Ба сароба боз ор он кўфта, Басе ро ба бозор он кўфта.

Маснўнинг учинчи бир нави — мусовият тарафайн (томонлар тенглиги) истилоҳидаги шеърдир. Форс-тожик адабиётида Бобургача мураккаб (тўртхоналик), мусаддас (олти хоналик), мусамман (саккиз хоналик) мусавият тарафайнлар ёзилган эди. Бобур ана шундай ўта ноки усул — мураккаб санъатида ҳам яхши мусавият тарафайн яратган:

Мураббаъ санъатининг моҳияти шундайки, китобхон шеърни одатдагидек чапдан ўнгга томонга қараб ўқиши ҳам, юқоридан қуйига томон ўқиши ҳам мумкин бўлади. Хар икки усулда ҳам матн бир хил ўқилади.

Биз яқин-яқинларгача туркий тилдаги илк мусовият тарафайн ижодкори Мухаммад Рио Оғаҳий, деган тасаввурда эдик. Энди фикримиз ўзгарди.

Бадий санъатлар оламидаги ҳарфий санъатларнинг нисбатан мураккаби истихрождир. Истихрожининг ҳам икки хили бор: биринчиси, илм аҳли ва китобхонларга маълум оддий истихрождир. Бунда шоир байтда ўзи қайд этган ҳарфлардан бир сўз истихроҷ қилган бўлади, яъни ҳарфлар йиғиндисидан бир сўз ясади:

Қаддин “алиф” у қошин эрур “ё” Десам не ажаб агар сени ой.

Матнда “алиф”+“ё” ҳарфларидан “ой” сўзи истихроҷ қилинган. Истихрожининг бундай оддий ва мураккаб — ривёзий навляри Алишер Навоий шеърларида учрайди. Ривёзий истихроҷ фақат олимларга, илм аҳлига қўйилган санъат бўлса керак. Гап шундаки, оддий истихроҷда ҳарфлар айтилиб, бирор сўз ясаларди. Ривёзий истихроҷда ҳарфлар назарда тутилганда, холос. Мураккаблиги шундаки, шоир назарда тутилган ҳарфга ҳеч бир ишора қилмайди. “Ўзингга, ўз заковатинга қойил бўлайин десанг, ўзинг топиб ол-да, қувон!” дегандаг зимдан санъаттардозлик қилади.

Оғзю икки зулфу қади бўлмаса манга, Райҳону сарву гунча кўрардин малолдир.

Ушбу байтда бадий санъатларини аниқлашга уринганда, аввало, ташбиҳлар тизими таҳлил қўз ўнгиди шу тарикка тизилди: **оғиз — гунча; зулфу — райҳон; қади — сарв.**

## “Бобурнома” XVI асрдаёқ Абдураҳим Хони-хон томонидан форс тилига таржима этилган эди. Ундан айрим парчалар голланд тилига ўғиррилган. Ж.Лейден ва В.Эрсинг инглиз тилига (1826), П.Давид де Куртейл француз тилига (1871), М.Салие рус тилига (1958) таржима қилдилар. Рус олими Н.Илминский “Бобурнома”нинг 1714 йили кўчирилган нусхасини аслиятда 1857 йили Қозонда нашр эттирди.

“Бобурнома” шарқшунос, олимпиа Аннетта Бевериж томонидан инглиз тилига қайта таржима қилиниб, 1922 йили Лондонда босиб чиқарилди. 1842 йили Лондонда бизнесмен оиласида туғилган, Фарба ва Хиндистонда Аннетта Акройд номи билан машҳур бўлган Бевериж хоним (тўлиқ исми Аннетта Сюзана Акройд) 1875 йили британиялик таниқли шарқшунос Ҳенри Беверижга турмушга чиқади. 1900 йили Ҳенри Бевериж Хиндистонда хизмат сафарига бўларкан, Хайдаробода жаноб Солоржанга тегишли “Бобурнома”нинг эски ўзбек тилидаги нусхасини кўлга киритади. Асарнинг фақсимилеси 1905 йили Лондонда чоп этилади. Ана шу фақсимиледан Аннетта Бевериж хоним амалга оширган таржима 1922 йили Лондонда “Лужак энд Ко” нашриётида “Бобурнома” инглиз тилида: Бобур эсдаликлари” номида икки жилдли китоб ҳолида дунё юзини кўради. 880 саҳифадан иборат китобнинг титул varaғида: “Бу таржима Бобурнинг шухратига бағишланган” деган сўзларни ўқиймиз.

Аннетта Бевериж хоним таржимасида аслиятнинг қоритини сақлашга катта эътибор беради, матнга сабр-бардош ва ҳурмат билан ёндашади. Масалан, таржимон деярли ҳар бир саҳифада кўпбал туркий сўзларни қавс ичида ёки қавсиз ёриб кетиш билан бирга, инглиз ўқувчиларига нотаниш сўз-иборалар, тушуңчаларга эришмай батафсил изоҳлар илова қилади, исм ва жой номлари талаффузи сақлашга уринади. Киришсўздан кейин, таржима мураккабликлари, Лейден ва Эр-

## “БОБУРНОМА” ИНГЛИЗ ТИЛИДА

1929 йили Лондонда вафот этган машҳур шарқшунос олими ва ҳинд маърифатпарвари бўлиб танилган Аннетта Бевериж хонимнинг илмий фаолиятида “Бобурнома” устида олиб борилган тадқиқотлар алоҳида ўрин тутаяди. Олима ҳаёти ва фаолияти ҳақида Буюк Британияда, хусусан, Хиндистонда кўпбал китоб ва мақолалар ёзилган. Ўзбек ўқувчиларига олиманнинг номи адабиётимизнинг жаҳондаги тарғибчиларидан бири сифатида ҳаммиса қадри бўлиб қолади. Кейинги йиллари Бевериж хоним таржимаси яна уч марта нашр қилинди. Даставвал, 1970 йили Янги Деҳлида (ноширлар — Нирмал Д.Жейн билан С.К.Меҳра), иккинчиси 2002 йили Покистонда (ношири Нибё Аҳмад) ва, ниҳоят, учинчиси 2006 йили яна Хиндистонда (ношири — Дилип Хейро) чоп этилди. Учинчи нашрига бобу-

рилар шаҳараси, Марказий, Жанубий-Ғарбий, Жануби Осиё ва Ғарбий Хитойни қамраган харита, Кобул ва Хиндистон юриши хариталари илова қилинган. “Бобурнома” қаҳрамонлари кўрсаткичи, ҳижрий тақвим, кириш сўзи ҳам бор.

Заҳматқаш олим ва таржимон Уилер Таэкстон “Бобурнома” таржимаси устида узок йиллар меҳнат қилди. Асарга меҳр билан ёндашди. Унинг савий-ҳара-катлари тўғрисида кейинги ўн беш йил ичида “Бобурнома” Америка Қўшма Штатларида уч марта чоп этилганлиги диққатга сазовор ҳодисадир. Биринчи нашр 1993 йили юз берди: Ҳарвард университетиде йили-

биан бойитилган бу нашрга Галлерей директори Мило Кивленд Бичч кириш сўзи ёзган. Таржимон У.Таэкстон ўз мақола-сида “Бобурнома” илова қилинган. “Бобурнома” матни ва таржималари тарихи, асарни Европада ўрганиш қачон бошланганлиги, тузилиши, жуғрофияси, чингизийлар ва туман-рийлар даврининг Эрон ва Марказий Осиё тарихидаги аҳамияти, исм ва мансаблар номлари ҳақида сўз юритганга, Бобур шахси ва сулоласига нисбатан адолатсиз номлаштирилган эсларкан, қизиқ кузатишларини, баён қилади: “Та-

## Тадқиқот, ахборот

қаратади. У китоб сўнигда Бобур Мирзо ҳаётининг хронологияси, қисқача диний ва сиёсий терминлар лугати ҳамда библиография илова қилинади. Заҳматқаш олим ва таржимон Уилер Таэкстон “Бобурнома” таржимаси устида узок йиллар меҳнат қилди. Асарга меҳр билан ёндашди. Унинг савий-ҳара-катлари тўғрисида кейинги ўн беш йил ичида “Бобурнома” Америка Қўшма Штатларида уч марта чоп этилганлиги диққатга сазовор ҳодисадир. Биринчи нашр 1993 йили юз берди: Ҳарвард университетиде йили-

қаратади. У китоб сўнигда Бобур Мирзо ҳаётининг хронологияси, қисқача диний ва сиёсий терминлар лугати ҳамда библиография илова қилинади. Заҳматқаш олим ва таржимон Уилер Таэкстон “Бобурнома” таржимаси устида узок йиллар меҳнат қилди. Асарга меҳр билан ёндашди. Унинг савий-ҳара-катлари тўғрисида кейинги ўн беш йил ичида “Бобурнома” Америка Қўшма Штатларида уч марта чоп этилганлиги диққатга сазовор ҳодисадир. Биринчи нашр 1993 йили юз берди: Ҳарвард университетиде йили-

қаратади. У китоб сўнигда Бобур Мирзо ҳаётининг хронологияси, қисқача диний ва сиёсий терминлар лугати ҳамда библиография илова қилинади. Заҳматқаш олим ва таржимон Уилер Таэкстон “Бобурнома” таржимаси устида узок йиллар меҳнат қилди. Асарга меҳр билан ёндашди. Унинг савий-ҳара-катлари тўғрисида кейинги ўн беш йил ичида “Бобурнома” Америка Қўшма Штатларида уч марта чоп этилганлиги диққатга сазовор ҳодисадир. Биринчи нашр 1993 йили юз берди: Ҳарвард университетиде йили-

қаратади. У китоб сўнигда Бобур Мирзо ҳаётининг хронологияси, қисқача диний ва сиёсий терминлар лугати ҳамда библиография илова қилинади. Заҳматқаш олим ва таржимон Уилер Таэкстон “Бобурнома” таржимаси устида узок йиллар меҳнат қилди. Асарга меҳр билан ёндашди. Унинг савий-ҳара-катлари тўғрисида кейинги ўн беш йил ичида “Бобурнома” Америка Қўшма Штатларида уч марта чоп этилганлиги диққатга сазовор ҳодисадир. Биринчи нашр 1993 йили юз берди: Ҳарвард университетиде йили-

қаратади. У китоб сўнигда Бобур Мирзо ҳаётининг хронологияси, қисқача диний ва сиёсий терминлар лугати ҳамда библиография илова қилинади. Заҳматқаш олим ва таржимон Уилер Таэкстон “Бобурнома” таржимаси устида узок йиллар меҳнат қилди. Асарга меҳр билан ёндашди. Унинг савий-ҳара-катлари тўғрисида кейинги ўн беш йил ичида “Бобурнома” Америка Қўшма Штатларида уч марта чоп этилганлиги диққатга сазовор ҳодисадир. Биринчи нашр 1993 йили юз берди: Ҳарвард университетиде йили-

Жаҳон маданиятига бекиёс ҳисса қўшган улуг шоир ва шоҳ Заҳириддин Мухаммад Бобур ҳаёти ва ижодини бугунги кунда ҳам Ғарбу Шарқ олимлари кунт билан ўрганоқдалар. Буюк ватандошимиз ҳақида янги-янги илмий асарлар, кинга ва романлар яратилаётгани, оммабон рисоалар пешма-пешов элитаётгани диққатга сазовор. Зотан, Бобур фаолиятини тарғиб этиб, бебаҳо мероси билан халқимизни ошно этишда турли йилларда амалга оширилган нашрларнинг хизмати катта.

Замира РҶЗИЕВА



ОНА ЮРТ

Ёши улуг чинорларинг эртақ айтар, Яқинлашсам юрагимда ёнар чироқ...

Юриб борсам сўқмоқларинг илонизи, Саркаш этар мени майса, кўкат иси...

Куртак кўрдим намчил ёғоч ёриқларда, Рухим кўшиқ симиради ариқлардан...

ҚУЁШ ЯШАР АЙВОНЛАРИНИДА...

Айвонларинг қурилгандир куёнга ўнг, Қалдирғочлар кўмсаб қайтар ҳар қишдан сўнг...

Юртлар кўрдим, бердим сайёҳ саломини, Томошалар қилдим Миср эҳромини...

Истеъодли болалари кўн, Манглийдан ўпар Андижон. Қўзларига тушимасин деб чўп...

Сирлар ичра сиккиниб яшар, Гоҳ Ҳотам, гоҳ Хизрга ўшар...

Камтар она, камсуқум она, Беминнату безуғум она.

Дўстлашди куёшлар билан, Сўйлашди кўз ёшлар билан.

Болалари бол ялаган бой, Ковушларини киймас пойма-пой.

Ҳаёт шатранжиди — мағлубми, голиб, Ўзимча доллар сурдим, билмайсан.

Ошиқ саҳросига чақирди Мажнун, Дал ёниб сўхбатлар кўрдим, билмайсан.

Бу қандайин севаги, мен қандоқ севдим, Кўз юмсам қа — сени кўрдим, билмайсан.

ФАХР

Туркий Ватанига тақдирин битган, Мозий аждодларим — шан уруғларим.

Тупроғин қаърига мазмуну маъно, Қудрат баҳи айлаган жондош хешларим.

Ҳар лаҳза ҳолимдан бўлиб хабардор, Урмимга таратиб турфа зиёлар.


Ёмонликни мутлақ жисллари суймас, Мангу яхшиликка умри фидолар.

Ҳоҳла мўъжиза де, муқаддас ата, Аждодларим босиб юрган тубробини.

Бошинг тошдан бўлсин, темирдан танинг, Соғиқ кўрғонидо яйрасин жонинг.

Қамбар ОТА

Дуолаф таралмай она Заминдан



Тош-туз вужудингга оғриқ қатмасин. Ҳатто ҳаёлингга йўламасин тош, Азобдан устингга қўламасин тош.

Зиқрилла НЕЪМАТ

Озод дийримиини меҳроби ўзини

ВАТАН

Боболарим хоки этар тупроғингда, Уммондорсан, бир майсаман қирғоғингда...

Учмағайдир аждодлар шон-шукӯҳлари, Бошимизда мангу кезар пок руҳлари...

Куйидорсан, меҳр тўла нигоҳларинг, Бахт нуридан яшар гўзал кучоқларинг...

Мардларинг бор, мадҳи сизмас китобларга, Жўровосан Тинчлик деган китобларга...

Аму Сирдай сирлашурмиз бахтинг учун, Бир тап бўлиб бирлашурмиз бахтинг учун...

ТОШКЕНТ

Юртим юрасан, эй она Тошкент, Дунёда менги йўқ, ягона Тошкент.

Минглаб асрларким бўлиб жонсарак, Бўзсув бўйларига ёндинг сен ҳалак.



Гоҳ Бинкеит, гоҳ Шои, гоҳ Шокеит бўлиб Етиб келишг биза кўҳна дунёдан.

Буюк ипак йўли бирла боландинг Оврупо, Осиё, Ҳинду Чин билан...

Сен иймон шаҳрисан ҳам нон шаҳрисан, Шарафлар шаҳрисан ҳам нон шаҳрисан...

Муборак икки минг икки юз ёшинг, Асло эғилмағай мардона бошинг.

Тошкентим, Бош кентим, Қуёш кентимсан, Минг аср ўтса ҳамки ёш кентимсан!



«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси пойтахтимизнинг энг обод ва гўзал худудларидан бирига айланди.

А.АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

“БАҲОРИМДАН КЕЧИККАН ГУЛЛАР”

“Бодомгинам”, “Корачикда асраганимсан” номли тўпламлари билан шеърят муҳлисларига яхши таниш бўлган шоир Ахтамкул Карим муҳлисларга “Баҳоримдан кечиккан гуллар” деб номланган янги китобини армуғон этди.

Тўпламга ёш шоирнинг турли йилларида ёзган шеър ва ғазаллари, тўрттиклилари жамланган. Уларнинг мавзуси ранг-баранг бўлса-да, ҳар бирида ватан мадҳи, Истиқлол шарафи, она юрт соғинчи, фарзандлик бурчини ан-

глаш туйғулари ўзгача оҳанг, ўзгача тароват билан жаранглайди.

Шодлигимдан сизмай кетдим бу оламга, Юртим, сенинг озодлигинг кўрган куним! Боларилар дарс беришиди оғохликдан Гулзорларда гул оралаб юрган куним.

Бу тупроқни билдим қанча азизлигин, Қалдирғочлар оёқларини кўрган куним.

Доимий ҳамроҳ

Гулларингни кучоғимга босиб ўпдим, Дилда ишқинг кўрғонини кўрган куним —

деб ёзади шоир “Озодлигинг кўрган куним” шеърини.

“Бир инсоннинг бармоқ излари бошқасиникига ўхшамасини сингари, ҳар кимнинг оҳанги ҳам ўзига хос бўлади. Аммо шу хос оҳангни англамоқ изтироби, шу изтироб лаззатидан ўртанмоқ саодати ҳаммага эмас, фақат инжа кўнгли соҳиблари-

Аёлнинг оппоқ юзида ҳаёлар кезиниб юргандек. Дуррача тагидан кўпириб чиққан соч толаридан тортиб энгли оёқ кийимига алланечук беғуборлик, алланечук жозоба уфуриб турибди.

Мен бу гўзаллик қошида бир лаҳза қотиб қолдим. Йўл азоби — чарчоқ, ланжлик вужудимни тарк этгандек бўлди. Рухимда алланечук жўшқинлик уйғонди.

— Бу маданий ҳаётимизда улкан ҳодиса, — деди Ҳошим Уриндиққа қия ўтириб, бизларга юзланишга ҳаракат қиларкан, — от миниб турган шоҳ ҳайкали.

— Тарихий санъат асарларидан ҳайратланишга, уларни қадрлай билишга ўрганишимиз керак, — деди у танбеҳу илҳом билан, — қачонгача фақат қорингами билан яшаймиз.

Ҳайдовчи пешойна орқали йўловчиларга бир-бир кўз ташлаб илҳайиб қўйди. Ҳошим тутақчи яна анча пайт жавради. Сўнг араزلанган боладай жим қолди. Сийрак қош остидаги митти кўзларини узоқ-узоқларга қадади.

Машина шитоб билан олиб борарди. Кишлоғу дарахторлар, қатта-кичик экин далалари ойна ортинда лип-лип кўзга ташланади. Пойтахтдан чиққанмиизга атиги бир соатча бўлганга қарамай анча йўл босиб қўйибмиз.

Олис-олисларда гўза пайкаллари ям-яшил денгиздек чайқалиб ётибди. Ҳаво иссиқ. Машинанинг ярим очик ойналаридан ёпирилиб кираётган шамол жуда хуш ёқади.

Ҳошимнинг асабийлиги зум ўтмай тарқаб кетди. Хойнаҳой ўша тарихий топилдик ҳаёлида жонланиб турган бўлса керак, юз-кўзига яна завок-шавқ, илҳом жилвалари тошди.

— Ҳошим ака, ўша топилдиқни сотса, қанча пул бўлади? — Нималар деяписиз, уни со-

гагина насиб этади. Бу жуда улғу мартаба... Унинг шеърларидан она тупроқ камтаринлиги, салобатли тоғлар улғуворлиги, чўғ каби ловулламиш лолалар таровати, қор қўйнида улғаймиш бойчечаклар матонати уфуриб туради.

тиш мумкин эмас, — дея тажанг бош чайқади Ҳошим. — Масалан, сотса дейман-да. — Икки юз миллиондан кам бўлмайди. Лекин у миллий бойлигимиз, кўз қорачиғидай асрашимиз керак.

Ҳошим яна авжланиб санъат, гўзаллик ҳақида узундан-узун гапга тушди. Миллатнинг, мамлакатнинг эртаси ҳудди шундай ноёб санъат асарларига кўп жиҳатдан боғлиқлигини ҳижжалаб тушунтирди.

— Ақалар, шу ерда ўн беш-йигирма минутча дам оламиз. Анали ошхонада кўза шўрвани боллашади.

— Яхши бўларди-да, — деди шу пайтгача мик этмай, мудраб келаётган шерикларимиздан бири.



Машина йўл чеккасига чиқиб, дарахтлар соясида тўхтади. Бирин-кетин машинадан тушдик.

Ростдан ҳам ажайиб жой экан. Қуюқ дарахтлар орасида мўъжазгина ошхона. Уч-тўртта хизматчи югуриб-елиб юрибди. Ташқарида қантарилган машиналарнинг кўпчилиги қараганда ҳўрандалар мўл. Демак, овқатни маъзалли пиширишади.

Шу пайт унга кўзим тушиб қолди. У кип-кизил, сап-сарик олмалар терилган пештахта ёнида маликалардек қад қориб, мағрур турарди.

— Ҳошим ака, ўша топилдиқни сотса, қанча пул бўлади? — Нималар деяписиз, уни со-

ри орқали исбот этади”, деб ёзади ЎЗМУ доценти Узоқ Жўракулов китобдаги “Асл оҳанг суверти” сарлавҳали сўзбошисида.

мева-чева сотиб, харидорлар йўлига кўз тикиб ўтирган тижоратчи эмас. У муҳаббат ва шафқатга лимом-лим қалб эгасини интиқ-интизор кўтиб турган сирли, жозибали хилқат.



— Гўзал, жуда гўзал, — деб юбордим беихтиёр. — Нима, нима гўзал?

Ҳошим гўдраниб бир менга, бир теварақ кўз ташлади. Лекин мен нимадан ҳайратланиётганимни тушуна олмай елка учуриб қўйди.

— Ярамас, — дея ингранди у ниҳоят умидлари узилгач, — ҳаёл билан анави олмафорушга икки хисса пул бериб юборибман.

— Бирор ерга тушириб қўйгандирсиз, балки. — Йўқ, эсимга туши, анави аёлга икки хисса узатган эканман.

Ҳошим шовша-пиша машинадан тушди. Қаҳру ғазаб билан аёл томонга кўз ташлаб қўйди.

Ҳошим шовша-пиша машинадан тушди. Қаҳру ғазаб билан аёл томонга кўз ташлаб қўйди. Кўнглим гашилиги баттар ортди.

— Ҳошим ака, — деб юбордим беихтиёр. Ҳошим эгилиб мен томонга савол назари билан қаради.

— Ҳа. — Тўғриси, пўлингиз машина салонида тушиб қолган экан. Мен топиб олган эдим.

— Ҳошим ака, — дея ингранди у ниҳоят умидлари узилгач, — ҳаёл билан анави олмафорушга икки хисса пул бериб юборибман.

— Бирор ерга тушириб қўйгандирсиз, балки. — Йўқ, эсимга туши, анави аёлга икки хисса узатган эканман. Бировнинг ҳақиқдан кўркамаслигини қараган, индамай чўнтағига солган, ноинсоф.

— Киммат, захардан киммат, — дея асабий ва норози бош чайқади у, — ҳаммаси олибсатар буларнинг. Бор-будларини тортиб олиб, кўзларини мошдай очиб керак.

Ҳошим илҳом билан машина эшигини очди-да, қўлидаги елим халатини ўриндиқ устига қўйди. Дўнғиллаб ўзича сўкинган бўлди.

— Киммат бўлса олманг эди, — дедим мен астойдил ранжиб. Негадир Ҳошим назаримда қандайдир муқаддас, қутлуғ гўшага соя ташлаётгандек туюларди.

— Олмасдимку-я, — деди Ҳошим, — лекин йўл-йўлкай бир оксоқолини кўриб ўтишим керак. У Самарқанда, қатта йўлга яқин бир касалхонада даволанапти.

— Гўзал, жуда гўзал, — деб юбордим беихтиёр. — Нима, нима гўзал? Ҳошим гўдраниб бир менга, бир теварақ кўз ташлади.

— Ярамас, — дея ингранди у ниҳоят умидлари узилгач, — ҳаёл билан анави олмафорушга икки хисса пул бериб юборибман.

— Бирор ерга тушириб қўйгандирсиз, балки. — Йўқ, эсимга туши, анави аёлга икки хисса узатган эканман.

Ҳошим шовша-пиша машинадан тушди. Қаҳру ғазаб билан аёл томонга кўз ташлаб қўйди.

Ҳошим шовша-пиша машинадан тушди. Қаҳру ғазаб билан аёл томонга кўз ташлаб қўйди. Кўнглим гашилиги баттар ортди.

— Ҳошим ака, — деб юбордим беихтиёр. Ҳошим эгилиб мен томонга савол назари билан қаради.

— Ҳа. — Тўғриси, пўлингиз машина салонида тушиб қолган экан. Мен топиб олган эдим.

— Ҳошим ака, — дея ингранди у ниҳоят умидлари узилгач, — ҳаёл билан анави олмафорушга икки хисса пул бериб юборибман.

— Бирор ерга тушириб қўйгандирсиз, балки. — Йўқ, эсимга туши, анави аёлга икки хисса узатган эканман. Бировнинг ҳақиқдан кўркамаслигини қараган, индамай чўнтағига солган, ноинсоф.

Саидвафо БОБОЕВ

# УЙҒУНЛИК

Андижонда туғилиб ўсган Низомиддин Холиқов тасвирий санъат ихлосмандлари эътиборини қозонган сермаҳсул ижодкорлардан бири. Тинимсиз изланишлар, кўз нури, қалб кўри билан яратилган, мамлакатимиздагина эмас, хорижда ҳам ўз мухлисларини топган бетақдор асарлари уни эл ардоғидаги мусаввир даражасига олиб чиқди.



шаклланиши ва танилишига ижобий таъсир этмасдан қолмади.

Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий", Муқимийнинг "Девон", Асқад Мухторнинг "Чинор" каби ўнлаб китобларга беэзақ ишлади. Бу жараёнда мусаввир бадий асарларнинг мазмуни ва руҳиятидан келиб чиқиб, шунга мос равишда услуб танлашга интилиш, маҳоратини ошириб борди. Рассом баракли ижод этиб, Ўзбекистонда китоб графикаси санъатининг ривожига муносиб хисса қўшди.

Шу даврдаёқ Низомиддин Холиқов китоб графикаси соҳасидаги ўзигагина хос бетақдор ишлари билан Марказий Осиё давлатларида ўтказилган бир неча танловларда ғолиб бўлиб, фахрий ёрлиқлар ва дипломлар билан тақдирланди. Мухлислар, ҳамкасблар ва санъатшуносларнинг эътиборини қозонган Низомиддин ака кўп мавзунли ҳаётнинг ўзи беради. Асарларида умуминсоний қадриятлар ва миллий руҳият уйғун ҳолда намойиш бўлади. Шакллар ва ранглар муштараклиги ва ранглар воситасида ўз ички туйғуларини, фалсафий ва ҳаётий қарашларини мухлисларига юқтира олади.

"Катта Фарғона канали" асарига халқнинг мислсиз жасорати ўз ифодасини топган бўлса, "Кампирравот тўғонида" инсон ақл-заковати ва қудратли техника уйғунлиги маҳорат билан тасвирланган.

Дастгоҳли графикадаги изланишлари рассом истеъдоднинг яна бир қиррасини намойиш этди. "Алишер Навоий шогирдлари билан" асарига лирик кайфият, шоир руҳияти акс этган бўлса, "Баранга" "Дугоналар", "Тўғай", "Катта ашула" каби асарларида инсон ва табиат уйғунлиги ўз ифодасини топган.

Муштахлиқ шарафати билан мамлакатимиз ижод ахлига яратилган шарафлиқ рассом Низомиддин Холиқов ижодида ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Утган аср 90-йилларнинг иккинчи ярмига келиб Низомиддин Холиқов ўз истеъдодини мойбўёқ рангтаъсирда синая кўра бошлади. Тез орада бу борада ҳам салмоқли ютуқларга эришди. "Мухаммад Раҳимхон Феруз", "Кетаётганлар", "Умар Хайём", "Бозор", "Оламни асранг", "Алломишлар юрти" каби ўнлаб рангтаъсирли рассомнинг ўзига хос услуби, ҳис-туйғулари ва кечинмаларининг ифодаси сифатида мухлислар эътирофига сазовор бўлди. Кўп йиллик саъияти ижодий фаолияти муносиб баҳоланиб, "Ўзбекистон халқ рассоми" унвони билан тақдирланди.

Мусаввир асарлари рангларнинг ўзаро мутаносиблиги, яхлит оҳангдорлиги билан мухлис руҳиятига таъсир этди, асар руҳига чуқурроқ киришга ундайди.

Дилқаш, самимий рассомнинг устахонасидан дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдларининг қадами узилмайди. Ўнлаб ёш мусаввирлар Низомиддин акани устоз деб биладилар. Рассом ижодий изланиш билан бирга, Андижон давлат университетини профессори сифатида ўнлаб йиллар тасвирий санъат илмидан сабоқ бермоқда.

Ҳабиб СИДДИК

Таниқли театр актери, Ўзбекистон халқ артисти Хусан Амиркуловнинг "Ойдиной" бадий филмида Эҳсон бобо ролнида кўриб, атоқли санъаткор яратган ўнлаб баркамол образлар кўз олдимдан ўтди.

Қирқ беш йил муқаддам Тошкент театр ва рассомлик санъати институти тавомлаб, Сурхондарё вилоят театрида иш бошлаганида Асқад Мухторнинг "Тугилиш" драматизациясида профессор "Равшан ва Зулхумор"да вазир, Соҳиб Жамолнинг "Гули сийёҳ"да профессор Довуд, "Лайли ва Мажнун"да Ибн Салом образларини яратган бўлса, Олим Хўжаев номидиги Сурхондарё вилоят театрида фаолият кўрсатган йиллари эса "Махр ва муҳаббат"да Фердинанд, "Тоҳир ва Зухра"да Қорабтир, "Парвона"да Мурод образлари орқали театр мухлислари эътиборини жалб этган эди.

Юнус Ражабий номидиги Жиззах театрида ишлагани йиллар ҳам актёр ижодий изланишларида ёрқин эҳ қолдириди. У "Алишер Навоий" спектаклида илк бор ҳазрат Навоий бобомиз сиймосини гавдалантиришга ҳозирлик кўраркан, саҳнада Навоий образини катта маҳорат билан ижро этган Олим Хўжаевдан "оқ йўл" олгани боради. Устознинг кўллаб-қувватлаши актёр кучига-куч қўшиб, катта илҳом билан ишлаганга даъват этди.

Алишер Навоий образини яратилган муваффақ бўлган кунни эса хали-ҳануз ҳаяжон билан эслайди. Премерага машҳур актёр Разақ Хамроев ташриф буюрди. Устоз санъаткорнинг ташриф бажиз эмасди. Олим Хўжаев саҳнада, Разақ ака эса кинода Алишер Навоий ролини юксак савияда ижро этишган. Разақ Хамроев устоз сифатида навиқорон актёр ижросини назардан ўтказиб, маъқул бўлса, вати билан туғилиб ўсган Қарши замиғани келганида Қашқадарё театрига таниқли режиссёр Карим Йўлдошев раҳбарлик қиларди. Ўшанда жамоа "Сўқрот" спектаклини саҳналаштираётган эди. Унга зиндонбон роли топширилди. Гарчи, зиндонбон вазифаси фақат му с т а х к а м а ш и к н и очиб ва

## Саҳнамиз фидойилари

эпишдан иборат бўлса-да, Хусан Амиркулов жуда оддий бўлиб қўриган бу иборатнинг руҳига кириш учун тарихий китобларни кўп мўлаола қилади, қамқоқоналар ҳаётини ўрганади. Натихида унинг таркибинда зиндонбон асарга бетақдор рол бағишлайди. Аслида саҳнада барча роллар биринчи даражали аҳамият касб этди. Томошабин бирор эпизодик образнинг ҳаракатида ҳам заррача сунъийлик сезмаслиги керак. "Ун учинчи" расидаги Саъдиев, "Ўз аризага кўра"да Қудрат Ботиров, "Анданган қиз"да Саид Рустамов образлари мана шундай ижодий изланишлар бос томошабин эътирофига сазовор бўлди.

Истиқбол йилларидаги ижодий муҳит, айниқса, миллат ифтихорига айланган улуг аждоқларимиз образлари гавдалантирилган тарихий асарларнинг саҳна юзини кўра бошлаши Хусан Амиркулов сингари тажрибали актёрларни ҳам янги изланишларга қорлади. Қарши театрида саҳналаштирилган Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон" асаридики Сўлтон Боязид ҳамда Аҳмад Ясавий об-

Корақалпоғистон Республикасида таниқли драматург П.Айтмуратовнинг "Ўзбекистон — муқаддас Ватан" сценарийи асосида театрлаштирилган байрам тадбири ўтказилди.

Республиканинг "Айқулаш жулдиэлари", "Гулзар", "Аму толқини" фольклор-этнография ансамблилари туман ва шаҳарларда байрам дастурларини намойиш этмоқдалар.

М.КАРИМОВА

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Тошкент шаҳар Мирзо Улғубек тумани "Маҳалла" хайрия жағмараси ташаббуси билан Мирзо Улғубек номидаги маданият ва истироҳат боғида "Маҳалла" кунни ўтказилди. Унда тумандаги эллиқдан ортиқ маҳалла касаначи хўнарандларнинг каштачилик маҳсулотлари, келин-кўвларнинг миллий либосларидан иборат кўргазмалари, алла, лапар айтиш, миллий халқ уйинлари, ёшлар ўртасида футбол мусобақаси ҳамда халқимиз сўйган хонанда-созандаларнинг концертлари ташкил этилди.

Х.БУРХОНОВ

— Қара, бу панжангни изларига... кеннойингга нима дейман! — дедилар. Ҳақиқатан ҳам Шукр ақанинг бақувват кўлларида панжа излари қонталаш бўлиб турарди. Шу қадар уялиб кетдимки, нима дейримни билмай қотиб қолман. — Эй, сен ўзи "саҳна ҳаракати"ни ўқиганмисан?... Бундан кейин ўзининг гўё қаттиқ ушлагандек қилиб кўрсат, у ёғини менга қўйиб бер, — дедилар мейрибонлик билан. Бу мен учун илк сабоқ бўлган. Биз талабалар ҳам ўқиб, ҳам театрда катта санъаткорлар даврасида ишлаб юрарканмиз, ўзимизга улардаги фидойиликни сингдиришга ҳаракат қилардик. Эҳтимол, саҳнада улуг боболаримиз сиймоларини яратилган муваффақ бўлганимиз боиси шундадир.

Хусан ака бу сўзларни бежиз айтмади. У яратган образлар тадрижий ривожига назар солсангиз актёр ролдан ролга, образдан образга изланишни қанда қилганимиз ҳолда улуг ҳукмдор ва донишманд алломалар қиёфасини тўлақонли гавдалантиришга муваффақ бўлганига ишонч ҳосил қиласиз. У кўп йиллар Термиз, Гулистон ва Жиззах саҳналарида тер тўкиб, ниҳоят кексайки қолган отаси дав-

разлари гарчи эпизодик характерда бўлса-да, асарнинг қулминацион ечимида халқ қилувчи аҳамиятга эга. Хусан Амиркулов бир вақтнинг ўзиде бу икки, бир-бирига тамоман бегона образларни моҳирона гавдалантиришга муваф-

фақ бўлгани учун мамлакат театрлари фестивалида "Эпизодик ролларнинг энг яхши ижроси" учун белгиланган мукофот соҳибдори бўлди. Актёр Сўлтон Боязиддек мураккаб ва тақабкур шахс қиёфасини томошабинга тўлақонли етказиш учун кўллаб тарихий манбаларни синчилаб ўқидан эринмади. Асарда Аҳмад Ясавий бобомиз руҳи тимсолида келган улуг сиймонинг соҳибқирон Амир Темур билан мулоқоти саҳнаси ҳам жуда таъсирли чиққан.

Актёр Фитратнинг "Абулфайзон" трагедиясида Аштархонийларнинг сўнгги вақили образини яратилган ҳам мана шундай масъулият билан ёндошди. Абулфайзон даврида ўзаро низолаб қурайган, бу эса мамлакатни таназзулга олиб келган эди. Актёр бу жараённи ҳукмдорнинг ички изтиробларини теран гавдалантириш орқали кўрсатишга муваффақ бўлди. Бу эса санъаткорга катта шухрат келтирди.

Хусан Амиркулов вилоят театрлари саҳнасида яратган мана шундай ўнлаб бетақдор образлари учун 1997 йили "Ўзбекистон халқ артисти" унвони билан тақдирланди.

Эҳқандаги Эҳсон бобо образи талқинига келсак, бу образ эзгу гоёси билан тўрт-беш йил аввал Ҳаж зиёратига бўлган Хусан ака кўнглидаги ниётларга ҳам эш. Филмда кексайган чоғи набираси етим бўлиб қолган бобо образи бор. Олис тоғ қишлоқларида яшовчи Эҳсон бобо набираси зарур даражада

ди, матбуот, кинематографиянинг ахборот майдонидан фойдаланар экан, ҳар бир шахснинг саводхонлиги ошиши, медиа маданият "тили" эса тушунарли бўлиши лозим. Медиа оламида ишлаётганларнинг масъулияти қанчалик оғирлигини, улар дунё келажакка интилиши учун ўзларига, профессонал маҳоратларига қанчалик талабчан бўлишлари зарурлигини шундан ҳам билса бўлади.

Бу мулоҳазалардан кўриниб турибдики, Корея маданият ва туризм вазирлиги қошидаги давлат ташиқоти — Корея телерадиоэ-

тарли эмаслиги, эҳқонлик даражаси паст бўлгани ҳолда ўзига ортиқча бино қўйгани, иш қобилияти сустлигини шикоят қиладилар. Янги давр мутахассисларини тайёрлаш масаласини тезкорлик билан ҳал этиш учун институтиимизда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малака ошириш курслари, турли тренинглар мавжуд. Лекин илмий тадқиқотларнинг қўрқинишча, қисқа муддатли (3-5 кун) семинарлар ўтказиш ниҳоят теъ малакали кадрлар билан таъминлаш йўлларидан биридир. XXI аср илҳом аҳилларни талаб этди. Рақамли ахборот технологиялари илҳамликка юз туғач, медиа таълимда билим олишнинг илҳам моделини ишлаб чиқишга қодир бўлмаган одам ҳақида нима ҳам дейиш мумкин...

— Мазкур муаммонинг медиа таълимда қанчалик долзарблиги ҳусусида нима дея оласиз?

— Бугунги медиа таълим оммавий алоқа воситалари ёрдамида ўзининг киришувчанлик ва ижодий қобилияти, танқидий фикрини ривожлантира оладиган шахснинг тараққиёт жараёни сифатида қаралиши керак... Телевидение, ра-



СУРАТДА: Ўзбекистон халқ артисти Хусан АМИРКУЛОВ "Ойдиной" бадий филмида Эҳсон бобо ролнида.

билим олиши, кўнгли ўқсимаслиги учун ўзини ўққа-чўққа уради, амалпараст тўралар билан курашади. Айрим дунёқараш қолқ одамларга миллиқ ўқта-лишга бориб етади... Ёзувчи Назар Эшонқул сценарийи асосида суратга олинган "Пойдевор" видеофилмидаги Уста образи ҳам актёр ижодий имкониятлари серкирра эканини кўрсатди. Шу боис ҳозир унга кинорежиссёрлар ижодий ҳамкорлик юзасидан кўп мурожаат қилишмоқда.

Хусан Амиркуловнинг ҳаётий ақидаси шундай: у вақтини бе-ҳуда ўтказган инсонга ачинади ке-ҳудда ўтказган инсонга ачинади ке-ҳудда ўтказган инсонга ачинади ке-

рак, дейди. Чунки вақт ҳаётда из қолдириш, ижоди абадиётга ошно бўлиш учун берилган имконият. Яшаб ўтилган умр, шу маънода, одамлар қалбида ўз муқрнин қолдиради. Эзгулик умр дарахти меваларидир. Ҳеч ким ундан бебаҳра қолмасин.

Хусан Амиркулов кўҳна Насафдан беш-олти қақирим олисдаги Бойтерак қишлоғида ашайди. Бир вақтлар шу манзилдан театрга пиёда қатнаган кунлари ҳам бўлган. Энди у вақтлар ортада қолди. Фарзандлар, набиралар улгайибди. Хар бири ҳаётдан ўз ўрнини топиб, эл хизматига, истиқлолимиз барқарорлигига қамарбастилик қилмоқда. Қишлоқ кўчаларида беш-олти юз йил умр кўрган марвартақ тут дарахтлари ҳамон мева бериб турибди. Хусан ака бу азамат дарахтлар ҳимматига қойил қойиб, уларни экиб кетган аждоқлари руҳига таъзим қилади. Мана шу да боболардан бизга ёдгор бўлган "эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амаллар", дейди. Базилар бу тутлар борми ё йўқми — эътибор беришмайди. Хусан ака эса уларни кўрмаса, дарвор соғиниб қолади. Шу боис тутларни азиз ёдгорликдек эъзозлаб, ҳовлисидида ёш ниҳолларга уни пайванд қилишдан чарчамайди.

Эҳтимол, бу улуг устозлар сабогини олган санъаткорнинг ёшларга, эртанги кунимиз эгаларига айтмоқчи бўлган муҳим гапи, эзгу ўғитидир.

Исмомил ТУХТАМИШЕВ

# МЕЗОН — ҲИССИЁТЛАР ҲАҚҚОНИЙЛИГИ

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Корея телерадиозшиттиришлар институти (KBS) ҳамкорликда ўтказилган халқро семинарда Корея телерадиозшиттиришлар институти президенти Квон Янгу Ху ҳам иштирок этди. Жаноб президент бир неча саволимизга жавоб берди.

— Замонавий медиа бозор (ахборот бозори) ўз мутахассисларига бугун қандай талаблар қўймоқда?

— Янги рақамли технологияларга эга бўлган ҳозирги медиа бозорда юксак малакали бўлмағи туриб рақобатга киришиш қийин. Шу сабабли кўпгина компанияларда давр талабларига жавоб бера оладиган билим ва савияга эга малакали кадрлар танқислиги кўзга ташланмоқда.

Кўпгина иш бевуқилар ёш мутахассисларнинг амалий кўникмалари, ижтимоий тажрибалари етарли эмаслиги, эҳқонлик даражаси паст бўлгани ҳолда ўзига ортиқча бино қўйгани, иш қобилияти сустлигини шикоят қиладилар. Янги давр мутахассисларини тайёрлаш масаласини тезкорлик билан ҳал этиш учун институтиимизда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малака ошириш курслари, турли тренинглар мавжуд. Лекин илмий тадқиқотларнинг қўрқинишча, қисқа муддатли (3-5 кун) семинарлар ўтказиш ниҳоят теъ малакали кадрлар билан таъминлаш йўлларидан биридир. XXI аср илҳом аҳилларни талаб этди. Рақамли ахборот технологиялари илҳамликка юз туғач, медиа таълимда билим олишнинг илҳам моделини ишлаб чиқишга қодир бўлмаган одам ҳақида нима ҳам дейиш мумкин...

— Мазкур муаммонинг медиа таълимда қанчалик долзарблиги ҳусусида нима дея оласиз?

— Бугунги медиа таълим оммавий алоқа воситалари ёрдамида ўзининг киришувчанлик ва ижодий қобилияти, танқидий фикрини ривожлантира оладиган шахснинг тараққиёт жараёни сифатида қаралиши керак... Телевидение, ра-



ди, матбуот, кинематографиянинг ахборот майдонидан фойдаланар экан, ҳар бир шахснинг саводхонлиги ошиши, медиа маданият "тили" эса тушунарли бўлиши лозим. Медиа оламида ишлаётганларнинг масъулияти қанчалик оғирлигини, улар дунё келажакка интилиши учун ўзларига, профессонал маҳоратларига қанчалик талабчан бўлишлари зарурлигини шундан ҳам билса бўлади.

Надежда ЛИ

## Бошланиши биринчи бетда.

Самарқанд шаҳрида фолклор-шўнос олимлар иштирокида ўтган "Ҳаваскорлик жамоалари дастурларида миллий урф-одат ва анъаналарнинг асл ҳолида талқин қилиниши масаласига оид" давра суҳбатига фолклор санъатининг ҳозирги кундаги аҳволи ва уни ривожлантириш борасидаги ишлар, мавжуд камчилик ва муаммолар ҳақида сўз юритилди. Бундан ташқари, мутахассислар бевосита жойлардаги фолклор-этнография жамоалар ҳузурида бўлиб, уларга амалий кўмак ва маслаҳат бердилар, Марказ томонидан буклетлар, тўплам ва рисоалар йўланма сифатида нашр этилди.

Албатта, амалга оширилётган барча ишлар, мавжуд ютуқлар ўзимизники. Лекин олинган амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам кам эмас. Хусусан, ўзбек фолклорининг энг яхши анъана-

ларини сақлаш, мусиқа фолклор асарларини тўплаш, уларнинг ечимлари, фолклор ижрончилигида матн, фолклор санъатини ривожлантиришда ёш ижодкорларнинг ўрни каби масалалар бугун кун тартибда турибди.

## ФОЛКЛОР — ҚАЙНАР БУЛОҚ

Тошкент вилояти Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Паркент тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган "Фолклор санъати ва унинг ёш авлодини тарбиялашда тугган ўрни" мавзусидаги илмий-амалий анжуман юқорида қайд

этилган масалаларга бағишланди. Тадбир доирасида Тошкент вилоятида фаолият кўрсатётган фолклор-этнография жамоалар, жумладан, "Муножот", "Паркент чашмаси", "Ақмарал", "Дилқушо" жамоалари, "Орзу" болалар жамоаси чиқишлари намойиш этилди. Анжуман ҳамда жамоалар дастурига ба-

лиги, — деди ўз сўзида У.Қорабоев. — Жамоаларимиз ўз дастурларида бор нарсанинг ҳаммасини аралаштириб ташламай, биринчи навбатда ана шу донишмандликни саҳнага олиб чиқишга ва келажак авлодларга қолдиришга ҳаракат қилишлари керак. Очиғи, баъзи ҳолларда фолклорнинг асл маъносини унутиб юборганмиз. Аксарият жамоа аъзолари хатти-ҳаракатлари нимани англатишини билмайдилар. Бу ҳақида бугун бош қотирмасак, эртага кеч бўлади". Анжуман доирасидаги фолклор жамоалари чиқишлари ёшларимизда бу соҳага қизиқиш уйғотиш, уларни халқ ижодиётига мейр-муҳаббат руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Фолклор ҳазинамизни бойитишда катталар билан бир қаторда ёшлар ҳам фидойилик кўрсатишлари зарур. Шу ўринда фақат ашула-рақсларгина эмас, туриш-турмушимиз, ишлатилидиган буюмларимиз, либосларимиз, маърақа-маросимларимиз — ўзбек миллиятининг ўзликни англатувчи барча унсурлар фолклор эканини унутмаслик керак.

"Айтишларича, грузин қизлари узатилётганда сепида Шота Руставелининг "Йулбарс терисини ёпинган пахлавон" асари бўлар экан, — деди М.Жўраев. — Мен бизнинг ҳар битта қизимиз сепида "Алломиш" дostonи бўлишини истардим". Ана шундай авлодини воғга етказишда фолклор-этнография жамоаларининг алоҳида ўрни бўлиши шарт ва зарур.

Ҳ.УМАРОВА



"Фолклор — халқ донишманд-

ЭЗОП

# МАСАЛЛАР

## СИЧҚОНЛАР КЕНГАШИ

Мушукнинг доимий ҳавф солишидан тушунлиққа тушган сичқонлар муаммони ҳал қилиш учун кенгаш чақиришди. Бир ёш сичқон мушукнинг бўйига кўнгирак осиб қўйишни таклиф қилибди. "Қандай ажойиб фикр, — дея маъқуллашди сичқонлар. — Ҳа, бу мушук келганда қочиб учун жуда яхши оғохлантириш!"


Улар бу таклифни завқ-шавқ ва олк-ишлар билан қабул қилишди. Шунда кекса бир сичқон ўридан туриб:

— Бу ростдан ҳам жуда яхши маслаҳат ва, шубҳасиз, бизнинг муаммони ҳал қилади, — дебди. — Хўп, энди мушукнинг бўйига қайси бирини кўнгиракни иламитиз?..

Қиссадан хисса: таклиф қилиш бошқа, уни бажариш бошқа.

## ТУЛКИ ВА ЭЧКИ

Бахтсиз тасодиф туйғайли бир тулки ўрага тушиб кетибди. У ўрадан қишнинг ҳеч иложини қилолмабди. Бир пайт тепадан эчки ўтиб қолибди. У тулкидан



Хусан СОДИКОВ чизган расм.

# АНТИКА НОМАЛАР

**Ёзув машинасининг компютерга мактуби**  
Машинкада ёзилган Маман деган романлар. Гоҳо лентан узиларди, Хўп бўлганда замоилар.

Даврим ўтган бўлса бордир, Ҳаёт бой-да хислатга. Экспонат бўлдим ноидир, Кўнмай нетай қисматга.

Сен келдигу нозик кўлар Келинча ўрганди. Интернетдан мактуб йўлар Ёшлар қалбдан урганда.

**Мойчироннинг лампочкага мактуби**  
Бир замоилар ёритганман, Хужра-ю қасрларини.

Муҳаррир, куюнчақ публицист Ашуралли Жўраев қаламига мансуб кўплаб таҳлилий мақолалар, дўст ачиби гапирди қабилидаги танбеҳли мактублар, устоз санъаткорлар тўғрисидаги эссе-лар адабий жамоатчиликка яхши таниш. Қўлида қалами, кўнгида фикри бор одам тинч турмайди, бепарво юрмайди. Одамлар орасида бўлиб, ҳаётни кузатар экан, яхши нарсалардан қувонади, кўнги ёришади, бирор жойда камчилиги ёки нуқсонни кўрса, кимдир кимнингдир ҳақиқа хизнат қилаётгани ёки йўлига тўғанок бўлаётганига гувоҳ бўлса, ҳамма ишни йиғиштириб, шу муаммо изидан тушади, ҳал бўлмаганича тинчиймайди.

## Китобнингизни ўқидик

Бир неча бадий асарлар, публицистик тўғалларнинг муаллифи Ашуралли Жўраевнинг "Истиқлол" нашриётинда чоп этилган навабдаги тўплами "Сахифага сизмаган сатрлар" деб номланибди. Масъул муҳаррир — яқинда ўзи ҳам худди шундай китобча муаллифлик қилган ҳамкасбимиз Жаббор Разақов, сўзбоши муаллифи — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов.

Китобча "Ҳаётнинг жажжи сабоқлари, адабий давраларда айтилган, қулоққа

Китобчани варақлар экансиз, муаллифнинг эътиборингизга ҳавола этаётган битиклари, чиндан ҳам, реал ҳаётни манзаралардан иборатлигига ишонч ҳосил қиласиз. Кўплари сизга хатто таниш, бирор бир воқеа тўғрисида ўзингиз ҳам деярли шундай фикрда бўлгансиз, баъзилари эса сизни ўйлашади, фикр

бақа яна чуқур нафас олиб ичига пуф-лайверибди, шигшиган шигиш кета-верибди.

— Ишончим комилки, буқа бундан катта бўлган эмас, — дебди бир маҳал шишиб кетган бақа ва шу пайт "пак" этиб ёрилиб кетибди.

Қиссадан хисса: ўзига бино қўйиш ҳалокатга сабаб бўлиши мумкин.

## ТОВУҚ БИЛАН ТУЛКИ

Ўзим ўқийман

Баланд дарахт шохига қўниб, "қағ-қа" лаётган товуқнинг товуши бутун ўрмонга таралиб, очликдан силқиб олибди.

ласи қуриган тулкининг эътиборини тортди. Товуқнинг баланд шохда турганини кўрган тулки уни хийла билан паства тушириб, паққос туширмоқчи бўлибди.

— Кечирасан, қадрдоним товуқ, — деб гап бошлабди у. — Сен йиртқичлар билан қушлар, умуман, ўрмонимиздаги барча жондорлар ўртасида тузилган тинчлик битими ҳақида ҳали эшитмадингми? Бундан кейин биз бир-биримизни овламаймиз, алдамаймиз ва ўғирламаймиз, балки ҳамжихат бўлиб яшаймиз. Паства туш, бу ҳақда сен билан яхши-лаб гаплашиб оламиз.

Тулкининг муғомбирлигини яхши билган товуқ ҳеч нарса демая, худди бир нарсасига тикилгандек йўлга қараб тураверибди.

— Нимага бунча тикилиб қолдинг? — сўрабди тулки.

— Мен бир тўда итларни кўряпман, — дебди товуқ, — адашмасам, улар биз томонга қелишяпти, жаноб тулки.

— Шунанга, унда мен кетишим керак, — дебди тулки.

— Илтмос, жаноб тулки, кетмай туринг, — дебди товуқ, — мен энди тушмоқчи бўлиб тураман. Биз итларни қутиб тураемиз, улар этиб келгандан сўнг тинчлик битимини бериб муҳофиза қилаемиз.

— Йўқ, йўқ, — дебди тулки, — мен кетишим керак, итлар ҳали тинчлик битими ҳақида эшитмаган бўлиши мумкин. Қиссадан хисса: тўсадан таклиф қилинган дўстликдан эҳтиёт бўлинг.

Инглиз тилидан Феруза ТЎХЛИЕВА таржимаси.

Шуълам билан аритганман, Зулат аро сирларини.

Ҳовлига-ку мен масъулман Ётсам-да гар бурчакла.

Ёруғимда китоб ёзган Чўлуно Қодирийлар. Бутун ҳеч ким бизларни, На эъозлар, на сийлар.

Саришғалик касб-коримиз, Тозалик — соз, яхшида. Бутун умрим шу максалда Қилиб ўтдим бахшида.

ГЭС қурилиб, нур келди Тулар тонгдай чарақлар. Чордоқларда михда энди Осиқ турар чирчоқлар.

Чўтнинг калкуляторга мактуби Ҳисоб-китоб бари энди Ўтди сенинг зинманга.

Кўёш мисол нуриг тараб, Порлайвергин қароғим. Эл қорига турсанг яраб, Кам бўлмайсан чироғим.

Мени четга суриб қўйдиг, Биров илмас назарга. Тўрт амалии ечар зумда, Болалар ким узарга.

Супургининг чангпўтичга мактуби

Бекаларнинг жони кирди Ўтиришмас энкайиб. Чанг тўзиса, супурганда, Айтинг, менда не айб?

Ҳар қадамда калкулятор, Катта-кичик турфа хил. Ҳисобчилар чўт қоқишмас, Керакмас ўтқир ақл.

Ёш келинчақ кўларига Кетар қўнғилм чароғиб. Менга юмуш сал қамайди, Сен қўлимдан иш олиб.

Электрон машиналар Ишлар узокки қўзлаб. Энди фақат музейлардан Топасан мени излаб.

Уй ичиди навабчима, Чанг ютасан ичакла.

Мактубларни Равшан ИСОҚОВ оққа кўчирди

# ЖАЖЖИ САБОҚЛАР

чалинган иборалар, ҳазил қайдлардан иборат. Сўзбошида айтиб қўйилди: "Бир қарашда насадаги рубойига ўхшайдиган қисқа ва лўнда қайдларнинг ҳар бири ўз ҳолида алоҳида асар бўлиши ҳам мумкин. Бироқ улар шу йўсинда, шу ифодада акс этган. Бундай ўйлар, қўндалик кузатув ва фалсафий хулосалар муаллиф томонидан атайлаб "Ўзининг донолигини кўрсатиш" ёки бошқаларга панд-насихат қилиш учун қозоғга тушмайди... Бундай битикларда ёзувчининг ҳаёт, инсон қисмати, унинг буюклиги ва тубаниги ҳақидаги хулосалари акс этади... Сўнги йилларда бундай изланишлар кўпайиб бормоқда. Буни қувватлаш лозим".

Китобчани варақлар экансиз, муаллифнинг эътиборингизга ҳавола этаётган битиклари, чиндан ҳам, реал ҳаётни манзаралардан иборатлигига ишонч ҳосил қиласиз. Кўплари сизга хатто таниш, бирор бир воқеа тўғрисида ўзингиз ҳам деярли шундай фикрда бўлгансиз, баъзилари эса сизни ўйлашади, фикр

# МЕНИНГ ДАНГАЛЧИ АКАМ

Устоз Анвар Эшонов истеъдодли шoir, беназир журналист эди. Сўхбати жонон, сўзи дангал, топағонлик билан гапира оладиган, одамни хайратда қолдирарли даражада ҳозиржавоблиги билан ажралиб турарди.

Анвар акадан кўнгилга яқин кўйма сатрлари сероб шеърлар, ҳикоялар, ажойиб достонлар ёдгор бўлиб қолди. Шеърларини маромига келгунча, қайта-қайта таҳрир қиларди. Ўз таъбири билан айтганда "Худди дехқонга ўхшаб тўрт томондан култивация қилиб юбораман-да", дея мақтангувчи эди. Жуда кўплаб латифанамо, қувноқ ҳангомаларни у кишининг ўз оғзидан эшитганман. Баъзиларига эса ўзим гувоҳ бўлганман.

## ҲОЗИРЖАВОБЛИК

"Тўртинчи курсда ўқийман, десанг. Бир кун университетга борсам, "Военка"дан имтиҳон бўлаётган экан. Бориб-бормай юрган кезларим эди. Қарасам, курсдошларимнинг қовоғи солиқ, имтиҳонга киришга ҳеч кимнинг юраги бетламайди. Қирганлари эса хубо.

Тўхта дедим, мен қирай-чи! Ушбеков деган полковник имтиҳон олаётган экан. У ёқ-бу ёғимни тўзатдим, қаддимни ғоз тутиб, гурс-гурс қадам ташлаб кириб келдим-да эшик ёнида тўхтадим.

— Рухсат этинг, ўртоқ полковник!

Тўртада ўтирган полковник хушёр тортиб, менга разм солди:

— Қираверинг, йигитча!

Курсант Эшонов имтиҳон топширишга келди! — дедим ва шаддам қадамлар билан столга яқинлашдим.

Домланинг чехриси бироз ёришди:

— Билетдан олинг-чи!

Дўч келган билетни олиб рўпарасига ўтирдиму, дик этиб ўрнимдан турдим:

— Жавоб беришга рухсат этинг!

Муаллим бош силкиди.

— Ўртоқ полковник, мен бу саволга жавоб топиладим.

— Бўлмаса, бошқа билет олинг!

— Барибир фойдаси йўқ!

— дедим қатъий оҳангда.

Полковник ёйилиб қолди:

— Фамилиянгни айт-чи?

— Эшонов, ўртоқ полковник!

— Барақалла! Харбий таълим дарсининг асосий моҳияти худди шундай — ҳозиржавоблик.

Шу куним доғла имтиҳон варақамга "аъло" баҳо қўйди.



гининг астарини ағдариб, эринмай қоққан бўлди. Кейин менга озлаб шундай деди:

— Қўявер, хафа бўлма, булар орамизда нима гап ўтганини билишмайди. Мен эса баҳонада қўямат қарздан қутилдим.

## МИХ КЕРАКМИ?

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида "Ишонч" газетаси ташкил этилганида роса йиғилгандик. Билатбой Юсупов, Анвар Эшонов, Сайёр, Тўлқин, Санъат Маҳмудова, Темури Убайдулло, Ражаббой, Аҳмад Дамин, қамина ва бошқалар... Бунақаси ҳеч бўлмаган. Газетанинг шаклу шамойилидан тортиб суратга ёзиладиган тағозғача қизгин баҳслар, тортишувлардан кейин дунёга келарди. Бундай тортишувларда кўпинча Анвар ака ҳақ бўлиб чиқарди. Айниқса, сарлаҳ таълашда у киши беназир эди. Ёзганларимизни у кишининг синчов назаридан ўтказиб олишга ошқардик. Анвар ака кўрган мақолани биров журъат этиб тўзата олмасди.

Шундай воқеани эслайман. Бир кун Анвар ака қайси мавзудадир Сайёр ака билан гап талашиб қолди. Сайёр ака ўзининг ҳақлигини исботламоқчи бўлиб, гапни узокдан бошлади. Анвар аканинг жиззақилиги тўти шеклини, ётиги билан шундай деди:

— Менга қара, Сайёр, сен истеъдодли шoirсан сўзи савдогардек майдалаб ташлайсан-да.

Шу-шу жамоада биров гапни кўпайтириб юборса, "Мих керакмасми?" деган янги ибора ишлатиладиган бўлди.

## ХУШ КЎРДИК!

Анвар аканинг Қодирхўжа исмли жияни бўларди. Бир кун у поччаси — шoir Темури Убайдуллони Анвар аканича бошлаб борибди.

Анвар ака дастурхон тузаб, ош-сув берибди. Қиттак-қиттак қилишибди. Сўхбат қизиганга қизибди. Вақт алла-маҳал бўлиб қолганига қарамай меҳмонлар кўзгалалик, дейишмасмиш. Ниҳоят мезбоннинг тоқати тугабди:

— Менга қара, Темури, яна озорок ичасанларми?

— Йўқ, жуда ётилдик, — дебди жиян қувё.

— Таом-паом ейсанларми?

— Йўғ-е, — бош чайқади Қодирхўжа, — роса мазза қилдик.

— Бўлмаса, — дебди Анвар ака кафтини кафтига ишқаб. — Ресторан-барлар кечаси соат 12 гача ишлайди. Тезроқ борақоларинг. Сизларга жавоб!

Меҳмонлар қутилган "Илтифот"дан кула-кула ўринларидан туришибди.

Шавкат ТУРОБ

**ЯНГИ ҲИКМАТ**

Шеър ёзилса бўлди. Газетга ўтмаса, китоб бор, барибир ўтади. Тушундингми, бўтам?!

## Дунё — кенг...



## "ҚОР ОДАМ" КЎЛГА ОЛИНДИ...

АҚШнинг Жоржия штати ўрмонларида "қор одам" изидан тушган уч нафар овчи унинг жасадига дуч келишди. "Қор одам"нинг ДНК текшируви натижалари ва у ҳақдаги бошқа маълумотлар бугун Калифорнияда бўлиб ўтадиган матбуот анжуманида кенг оммага маълум қилинади, дея ёздади топилма ҳақда биринчилардан бўлиб хабар қилган "Cryptomundo" сайти.

Маълумотларга кўра, бу фаройиб мавжудот эрак бўлиб, бўйи 2,5 метр, вазни эса 225 килограмм. Танаси қизғин жун билан қопланган "қор одам", аксарият манбаларда айтилганидек, маймунга эмас, балки кўпроқ одамга ўхшаб кетади. Овчиларнинг эътирофича, ушбу фаройиб мавжудот иккита орқа оёқлари билан ҳаракатланади экан. Қолаверса, ўрмон худудларида яшовчи маҳаллий аҳоли ҳам икки оёқлаб юрувчи шундай махлуққа кўп дуч келган экан. "Қор одам"нинг оёқ унчалари ҳам гавдасига яраша — 43 сантиметр.



Уч нафар овчи — собиқ полициячилар Меттью Уиттон, Рик Дайер ҳамда "қор одам" ҳақида китоблар ёзиб тадқиқотлар олиб борган Том Бискардидан кўндал буён ушбу фаройиб мавжудотни қўлга тушира олишмаётгани. Овчилар "қор одам"ни излаш бўйича хатто bigfoottracker.com номли махсус сайт ҳам очиган.

Матбуот анжуманидан сўнг топилма молекуляр биолог, археолог палеонтолог ҳамда бошқа соҳа мутахассислари томонидан жиҳдий текширилади. Текширув ўтказилганга жой ҳозирча сир тутилмоқда. Ассосан, субтропик иқлим хўкм сурувчи Жоржия ўрмонларида "қор одам"ларнинг ҳаёт кечирилиши кўпчилик мутахассислари ажаблантирмоқда. Хабарларда топилма ҳозир махсус мулатлиқча, хавфсиз жойда сақланмаётгани айтилади.

"Қор одам" ҳақидаги афсоналар қадимий Греция тарихига оид манбаларда ҳам учрайди. Турли халқлар уни турфа хилда таъсирлагани ва ҳеч ким бу махлуқотни қўлга тушира олмагани учун шу кунга қадар "қор одам" чиндан ҳам мавжудми ёки йўқми, деган гумонлар бор эди. Бу топилма энди гумонга ўрин қолдирмади.

ЎзРФА Тил ва адабиёт институти жамоаси таниқли адабиётшунос, шoir ва таржимон

**Александр НАУМОВ**  
(Илья Наймаркнинг вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг сила аъзолари ва дўст-қардошларига чуқур ҳамдардик изҳор қилади.

Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети томонидан 1998 йил Шамсуддинова Дилора Салоитдинова номига берилган №219437 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Негосударственная, некоммерческая организация — Клуб реабилитации, интеграции детей-инвалидов (ННО КРИДИ), зарегистрированный Управлением Юстиции города Ташкента 23 апреля 1998 года ИНН 201806682, расположенная по адресу: г.Ташкент, Юнус Абдаскир р-н, 17 квартал, д/с 494 ликвидирована по решению Общего собрания от 28 июля 2008 года.

Претензии принимаются в течении месяца по указанному адресу.

Сергелии туманида жойлашган «VIKTORIYA KLASSIK» хусусий корхонасига тегишли бурчакли штамп ҳамда думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДANIЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЯРИНИТИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

ХОМИЙ: «МАЛЪУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

**O'zbekiston adabiyoti va san'ati**

Манъилимиз: Ташкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона — 233-52-91  
Котибият — 233-81-52  
Электрон манъилимиз: uzaszoyll@list.ru

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50  
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55

Савнат бўлими: 236-56-48  
Назм ва наср бўлими: 233-81-52

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Ташхиритга келган қўғамлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нўқтаи назаридан фарқланши мумкин.

Навабчи маҳаррир — Гулчехра УМАРОВА  
Сахифаловчи — Байрамали МУКИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ақборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4084. Буюртма Г — 748. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН